

## ЙИҒИЛИШ БАЁНИ 1

2017 йил 25 июн

Тошкент шаҳри

Умумий чиқарилган акциялар сони – 5 516 583 дона

Жаъми жойлаштирилган акциялар сони - 5 516 583 дона

### Йиғилиш қатнашчилари:

Т.Комолов	«Тошбозорсавдо» уюшмасининг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи; <b>(«Тошбозорсавдо» уюшмаси номидан)</b>
Б.Хайдаров	Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлигининг ўринбосари <b>(Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан)</b>
А. Мухитдинов -	«Ипотека-банк» АТИБ қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи; <b>(«Ипотека-банк» АТИБ номидан)</b>
У.Ғазиев -	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ қимматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи; <b>(«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ номидан)</b>
Д.Х.Миртаджиев-	«Чилонзор буюм савдо комплекси» АЖ бошқаруви раиси в.б;

Умумий йиғилишда жаъми бўлиб – 21 та акциядор **4 241 406** овоз билан қатнашаётганлиги сабабли, мажлис ўтказиш учун кворум **76,88 %** ни ташкил этди.

Йиғилишда раисликни Кузатув Кенгаши раиси С.Н.Ахмедов олиб борди.

С.Ахмедов йиғилиш ўтказиш учун кворум **76,88** фоизни ташкил этганлиги сабабли йиғилишни очиқ деб эълон қилди ва йиғилиш раёсатига уч киши: С.Ахмедов, Т.Комолов, ва Б.Хайдаров номзодлари таклиф этилганлигини инобатга олиб, овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан номзодлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилишга котиб этиб, З.А.Байметов номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек С.Н.Ахмедов йиғилишга саноқ комиссиясини тасдиқлаб олиш лозимлигини айтиб, саноқ комиссиясига жамиятнинг муҳосиблар бўлими муҳосиблари М.М.Юлдашева, Г.Р.Рахимова ва Ш.А.Абдурахмановалар томонидан олиб борилишини овозга қўйди ва саноқ комиссияси йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ўз сўзини давом эттириб, умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини айтиб ўтди.

1. «Чилонзор буюм савдо комплекси» АЖнинг 2016 йил фаолияти якуни юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг фаолиятига баҳо бериш.

2. Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан аудиторлик ташкилотининг миллий ва халқаро стандартлар хулосасини тасдиқлаш;

4. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.

5. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

6. Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи.

7. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш.

8. Жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси»ни тасдиқлаш.

9. Жамият ижроия органини сайлаш.

10. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

11. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

12. Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижасини тасдиқлаш;

13. Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Ижроия органи тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Ички назорат тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Манфаатлар туқнашуви тўғрисида Низом (янги таҳрирда);
  - Акциядорлик жамиятининг корпоратив маслаҳатчиси тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
  - Жамиятнинг йирик битимларни тузиш Тартиби
  - Аффиланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффиланган шахслар билан битимлар тузиш Тартиби
  - Йил якунлари бўйича аудиторни танлаш бўйича Низомлар Тўплами
  - Акциядорлик жамияти бошқарув органларининг ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлиги ТАРТИБИ
  - Акциядорлик жамияти Мансабдор шахсларининг малакасини ошириш ТАРТИБИ
  - Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва ижроия аъзоларига ҳақ тўлаш Тартиби
  - Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва назорат органлари ҳисобот-ларига доир талаблар тўғрисидаги Низом
  - Акциядорларнинг жамиятининг акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби
  - Акциядорлик жамиятида Ижроия органи раҳбарини танлаш ТАРТИБИ
  - Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш ТАРТИБИ
  - Акциядорлик жамияти вакилларининг, устав фондида у иштирок этаётган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида овоз бериш ТАРТИБИ
  - Ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги Йўриқнома
  - Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
14. Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент қуйдагича бўлиши ҳақида бир овоздан келишиб олинди:

- |                                  |       |
|----------------------------------|-------|
| 1. Биринчи масала юзасидан -     | 5 мин |
| 2. Иккинчи масала юзасидан -     | 5 мин |
| 3. Учинчи масала юзасидан -      | 5 мин |
| 4. Тўртинчи масала юзасидан -    | 5 мин |
| 5. Бешинчи масала юзасидан -     | 5 мин |
| 6. Олтинчи масала юзасидан -     | 5 мин |
| 7. Еттинчи масала юзасидан -     | 5 мин |
| 8. Саккизинчи масала юзасидан -  | 5 мин |
| 9. Тўққизинчи масала юзасидан -  | 5 мин |
| 10. Ўнинчи масала юзасидан -     | 5 мин |
| 11. Ўн биринчи масала юзасидан - | 5 мин |
| 12. Ўн иккинчи масала юзасидан - | 5 мин |
| 13. Ўн учинчи масала юзасидан -  | 5 мин |
| 14. Олтинчи масала юзасидан -    | 5 мин |

Шунингдек йиғилишда сўзга чиқувчилар учун 5 дақиқাগача вақт берилиши маъқулланиб, Саноқ комиссиясининг раиси М.М.Юлдашева томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан жамият бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси Д.Х.Миртаджиев сўзга чиқиб, 2016 йил якунлари бўйича маъруза қилди. *(Илова қилинади)*

Д.Х.Миртаджиев ўз сўзида асосан 2016 йил давомида жамият ижро органи томонидан амалга оширилган ижобий ишлар ҳақида тўхталиб ўтди, ҳамда бажарилмаган режаларнинг сабабларини йиғилиш қатнашчиларига тушунтириб ўтди. Булар юзасидан ҳозирги кунда чора-тадбирлар режаси тузилганлигини айтиб, улар 2017 йил режаларига ва бизнес режасига киритилганлигини айтди.

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш таклифи бўйича ўз бюллетенлари орқали, овоз беришларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи** масала юзасидан «AUDIT-RUMANS» маъсулияти чекланган жамияти аудитори Закиров Мансур Турабоевич сўзга чиқиб, 2016 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича ўтказилган аудиторлик хулосаси билан таништирди. *(Илова қилинади)*

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш таклифи бўйича ўз бюллетенлари орқали овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **учинчи** масаласи юзасидан Салимов Анвар Забихиллаевич сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан аудиторлик ташкилотининг миллий ва халқаро стандартлар хулосасини билан таништирди. *(Илова қилинади)*

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан аудиторлик ташкилотининг миллий ва халқаро стандартлар хулосасини тасдиқлаш таклифи бўйича ўз бюллетенлари орқали овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **тўртинчи** масаласи юзасидан Закиров Мансур Турабоевич сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил фаолиятини Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан ўтказилган текширув натижалари билан таништирди ва маърузачига текширув натижалари бўйича йиғилиш қатнашчилари томонидан бир неча саволлар берилиб, тегишли жавоблар олинди. *(Илова қилинади)*

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан Тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш таклифи бўйича ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **бешинчи** масаласи юзасидан жамият бош итисодчиси Ш.Ш.Шамухамедов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси ҳамда фойда ва зарарлари ҳисоби билан таништирди. *(Илова қилинади)*

Маърузачига йиғилиш қатнашчилари томонидан бир неча саволлар берилиб, тегишли жавоблар олинди.

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан жамият баланси ҳамда фойда ва зарарлари ҳисобини тасдиқлаш таклифи бўйича ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **олтинчи** масаласи юзасидан йиғилиш қатнашчиси, Кузатув Кенгаши аъзоси С.Н.Ахмедов сўзга чиқиб, Жамиятда 2016 йил мобайнида корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилиб келинди. Жумладан, Кузатув Кенгашининг **14 та** мажлиси ва жамият акциядорларининг **бир маротаба** 2015 йил якунлари бўйича умумий йиғилиши ҳамда **бир маротаба** навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақирилганлигини таъкидлаб ўтди.

Кузатув Кенгаши мажлисларида асосан жамиятнинг даромадларини ошириш ҳамда асоссиз харажатларга йўл қўймаслик, дивидендлар миқдорини ошириш ҳамда

жамият фаолиятини бошқаришда Кузатув Кенгаши ваколатидаги масалалар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Кузатув Кенгаши мажлисларида Тошкент шаҳрида жойлашган меҳрибонлик уйларида, мактаб интернатларида, ногиронлар, кўзи ожизлар, меҳрибонлик ўзаро ёрдам кўрсатиш жамиятларида ва маҳалла фуқаролар йиғинлари-дан, уюшмалардан, шаҳар ва туман ҳокимиятлардан, ички ишлар органлари-дан, ҳар хил турдаги спорт федерациялардан, жамоатчилик марказларида хусусий тадбиркорлар ва фуқаролар томонларида ҳамда жамият томонидан **14 та хат, ариза ва билдиришномаларни** кўриб чиқилган, ушбу хатлардан **6 тасига** жамиятнинг имконияти йўқлиги маълум қилиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинган. Қолган **8 тасига** жамият ҳисобидан **35 961,2 минг сўм** миқдорда моддий ёрдам ва ҳайрия ёрдамлари кўрсатилганлигини таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, Кузатув Кенгаши мажлисларида Ўзбекистон Республика-сининг амалдаги «Акциядорлик жамияти ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарорларига асосан 2012 йил фаолияти учун тасдиқланган бизнес режани бажарилиши юзасидан ҳар чоракда жамият бошқаруви раисининг ҳисоботлари эшитилганлиги ва маълумот учун қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 475-сонли қарорини бажариш юзасидан жамиятнинг 2016 йил-га мўлжалланган бизнес режасини 2015 йил 1 декабргача бўлган муддатда кўриб чиқилиб, мақуullanганлиги, 2015 йил мобайнида жамият акциядорларининг бир маротаба 2015 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида белгиланган тартибда ахборотларни, молиявий хўжалик фаолиятига оид муҳим фактларни очиш мақсадида матбуотда эълонлар берилганлиги ҳақида ҳисобот берди.

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан жамият Кузатув Кенгашининг 2016 йилда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши ҳақидаги ҳисоботини ва қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш таклифи бўйича ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **еттинчи** масаласи юзасидан жамият бош иқтисодчиси Ш.Ш.Шамухамедов ўз маърузасини давом эттириб, жамиятнинг 2016 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби тўғрисида тушунча бериб ўтди.

Жамиятда 2016 йил якуни бўйича олинган 5.951.780.300 сум соф фойдадан 5.936.078.100 суми курилиш харажатлари эканлигини инobatга олинса ва соф фойдадан камида 5% захирага ажратишни яъни 297,5 млн сумни ҳамда қолган 15.702.200 сум жамиятнинг захира жамгармасига йуналтирилсин. Курилиш харажатлари сифатида курсатилган 5.935.780.600 сум миқдоридagi маблаг кейинчалик акциядорлар уртасида капитализация йули билан жамият устав фондини қушимча акциялар чиқариш ҳисобига оширишга йуналтирилиши таклиф этилди.

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан 2016 йил якунлари юзасидан олинган соф фойда бўйича берилган таклифи бўйича ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **саккизинчи** масаласи юзасидан жамият бошқаруви раиси в.б. Д.Х.Миртаджиев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йилги бизнес режаси ва даромадлар ва харажатлар сметаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. *(Илова қилинади)*

Д.Х.Миртаджиев ўз сўзида 2017 йилга мўлжалланган моддий техника базасини мустаҳкамлаш дастурига асосан комплекс пуллик хизматлар кўрсатишни, ижара ҳақи ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлиқ ундирилишини таъминлаш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш каби ишлар режаси белгиланганлиги ва амалий ишлар олиб борилиши ҳақида маълумот берди.

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан 2017 йилги бизнес режасини тасдиқлаш таклифи бўйича ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **тўққизинчи** масаласи юзасидан Камалов Толмас Каримович сўзга чиқиб, ушбу масала бўйича жамиятнинг 2017 йилда олдига қўйилган вазифаларини белгиланган тартибда олиб борилишини таъминлаш мақсадида ва ҳозирги кунда жамият бошқаруви раиси вазифасини бажарувчиси лавозимида фаолият кўрсатаётган Д.Х.Миртаджиёвни жамият ижроия органига бошқаруви раиси лавозимида, А.К.Зариповни жамият ижроия органи бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари лавозимида бир йил муддатга сайлаш тўғрисидаги Кузатув Кенгаши қарорига асосан мақсадга мувофиқлиги деб топилганлигини таъкидлаб ўтди бу тўғрисида конун доирасида танлов элон килинганлигини эслатиб ўтди.

Йиғилиш раиси С.Н.Ахмедов ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан жамият ижроия органини сайлаш ва меҳнат шартномаси муддатини узайтириш таклифи бўйича ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **ўнинчи** масаласи юзасидан Байметов Зоҳид Алимджанович сўзга чиқиб, Кузатув Кенгаши аъзолари таркибини сайлаш ёки қайта сайлаш Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 63-моддасига асосан фақат кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилиши белгиланганлигини инобатга олиб, Кузатув Кенгаши номзод сифатида берилганларни сайлаш лозимлигини таъкидлаб, ушбу номзодлар билан таништириб ўтди: Тошкент Чилонзор тумани хокимининг биринчи ўринбосари Б.Каримов, «Паззандалар» уюшмаси раисининг ўринбосари Р.А.Ҳакимов, Тошкент шаҳар Савдо департаменти бошлиғининг ўринбосари бошлиғи Б.Т.Ҳайдаров, Яшнаобод тумани Савдо департаменти бўлими бошлиғи С.З.Мирзадияров, «Тошбозорсавдо» уюшмасининг инвестиция ва қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Т.К.Камолов, «Ипотека-банк» АТИБнинг қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи А.Мухитдинов, «Ўзсаноатқурилиш-банк» ОАТБнинг инвестиция ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи У.М.Ғазиев, Чилонзор тумани савдо департаменти бошлиғи К.Абдуллаев ва Тошкент шаҳар касаба қўмитаси раиси С.Н.Ахмедовлар номзодлари киритилганлигини инобатга олиб, ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **ўн биринчи** масаласи юзасидан Камалов Толмас Каримович сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил фаолияти учун Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ёки қайта сайлаш масаласи учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ бир йил муддат тугагандан сўнг, қайта сайлаш масаласини кўриб чиқиш белгиланганлигини инобатга олиб, жамиятнинг 2017 йил фаолият учун жамият акциядори ҳисобланган, Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки ғазначилик бошқармаси Нарх сиёсати ва пул бозори операциялари бўлими бош мутахассиси Р.Б.Исмаиловни, «Тошбозорсавдо» уюшмасининг бош бухгалтерии Абдуллаева Гулчехра Эркиновнани ҳамда «Ипак Йўли» ОАИТБнинг қимматли қоғозлар бўлими мутахассиси Ҳикматова Зиёда Закирхановналар номзодлари киритилганлигини инобатга олиб, ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **ўн иккинчи** масаласи юзасидан Салимов Анвар Забихиллаевич сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси ҳулосаси билан таништириб ўтди. **(илова қилинади).**

Ушбу масала юзасидан йиғилиш қатнашчиларида бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **ўн учинчи** масала юзасидан З.Байметов сўзга чиқиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколоти доирасидаги жамиятнинг ички ҳужжатлари билан таништириб чиқди, яъни;

- Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);
- Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом(янги таҳрирда);
- Ички назорат тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);

- Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом (янги тахрирда);
- Манфаатлар туқнашуви тўғрисида Низом (янги тахрирда);
- Акциядорлик жамиятининг корпоратив маслахатчиси тўғрисидаги Низом (янги тахрирда);
- Жамиятнинг йирик битимларни тузиш Тартиби
- Аффиланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффиланган шахслар билан битимлар тузиш Тартиби
- Йил якунлари бўйича аудиторни танлаш бўйича низомлар Тўплами
- Акциядорлик жамияти бошқарув органларининг ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлиги ТАРТИБИ
- Акциядорлик жамияти Мансабдор шахсларининг малакасини ошириш ТАРТИБИ
- Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва ижроия аъзоларига ҳақ тўлаш Тартиби
- Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва назорат органлари ҳисобот-ларига доир талаблар тўғрисидаги Низом
- Акциядорларнинг жамиятининг акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби
- Акциядорлик жамиятида Ижроия органи раҳбарини танлаш ТАРТИБИ
- Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш ТАРТИБИ
- Акциядорлик жамияти вакилларининг, устав фондида у иштирок этаётган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида овоз бериш ТАРТИБИ
- Ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги Йўриқнома

- Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан таништириб ўтди. **(илова қилинади)** ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг ишончли вакили сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларини ҳам жамият ишида фаол иштирок этишни таякклифини илгари сурди.

Ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибининг **ўн тўртинчи** масаласи юзасидан Камалов Толмас Каримович сўзга чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги"ги қонунга киритилган ўзгартиришларга ва Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли фармойишига асосан жамиятнинг янги тахрирдаги устави билан таништириб ўтди. **(илова қилинади).**

Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг ишончли вакили сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларини ҳам жамият ишида фаол иштирок этишни таякклифини илгари сурди.

Ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаса акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

№	Кун тартибидаги масалалар бўйича	Ўқлаш	Қарши	Бетараф	Овоз берилмаган	Ҳақиқий эмас	%
1.	«Чилонзор буюм савдо комплекси» АЖнинг 2016 йил фаолияти якуни юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг фаолиятига баҳо бериш.	2935784	1291578	-	14044	-	69,21
2	Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.	3135382	-	1092000	14024	-	73,92
3	Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан аудиторлик ташкилотининг миллий ва халқаро стандартлар хулоса хулосасини тасдиқлаш.	3135382	-	1092000	14024	-	73,92
4.	Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси.	2935784	-	1291578	14044	-	69,21

5.	Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш..	2935784	300000	991578	14044	-	69,21
6.	Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи.	4027784	-	199578	14044	-	94,96
7.	Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисобваррагини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш.	3727784	300000	199578	14044	-	87,89
8.	Жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси»ни тасдиқлаш.	2935784	499578	792000	14044	-	69,21
9	<b>Жамият ижроия органини сайлаш.</b>						
9.1	Жамият бошқаруви раиси этиб Миртаджиев Дилмурод Хикматович сайлаш.	2935784	300000	991578	14044		69,21
9.2	Жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари этиб Зарипов Аюдувоҳид Кадирович сайлаш.	2935784	300000	991578	14044		69,21
10	Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш						
10.1	<b>Каримов Баҳром</b> - Чилонзор тумани хокимининг биринчи ўринбосари				4087992		
10.2	<b>Ҳакимов Рауф Арипович</b> - Ўзбекистон Республикаси «Пазандалар уюшмаси» раиси ўринбосари;				4087992		
10.3	<b>Ҳайдаров Баҳтиёр Тулкунович</b> - Тошкент шаҳар Савдо департаменти бошлигининг ўринбосари;				4087992		
10.4	<b>Мирзодияров Сардор Закиржанович</b> - Яшнаобод тумани Савдо департаменти бошлиғи.						
10.5	<b>Камалов Толмас Каримович</b> - «Тошбозорсавдо» уюшмаси бўлим бошлиғи.				4087992		
10.6	<b>Муҳиддинов Азиз Акбарович</b> - «Ипотека-банк» АТИБ қиматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи.				4552014		
10.7	<b>Газиев Улугбек Муллаханович</b> - «Ўзсаноатқурилишбанки» ОАТБ қиматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи				4493060		
10.8	<b>Абдуллаев Камолитдин</b> - Чилонзор тумани Савдо департаменти бошлиғи маслаҳатчиси						
10.9	<b>Ахмедов Сайфулла Норматович</b> - Тошкент шаҳар Касаба қўмитаси раиси				4087992		
11	Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.	4026484			214922		94,25
12.	Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижасини тасдиқлаш.	3726484		300000			87,89
13	<b>Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида:</b>						
13.1	Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);	2934484		1092000	214922		69,21
13.2	Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда).	2934484		1092000	214922		69,21
13.3	Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);	2934484		1092000	214922		69,21
13.4	Ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);	2934484		1092000	214922		69,21

13.5	Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом(янги таҳрирда);	2934484		1092000	214922		69,21
13.6	Ички назорат тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);	2934484		1092000	214922		69,21
13.7	Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);	2934484		1092000	214922		69,21
13.8	Манфаатлар туқнашуви тўғрисида Низом (янги таҳрирда);	2934484		1092000	214922		69,21
13.9	Акциядорлик жамиятининг корпоратив маслахатчиси тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);	2934484		1092000	214922		69,21
13.10.	Жамиятнинг йирик битимларни тузиш Тартиби	2934484		1092000	214922		69,21
13.11	Аффилиланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш Тартиби	2934484		1092000	214922		69,21
13.12	Йил якунлари бўйича аудиторни танлаш бўйича низомлар Тўплами	2934484		1092000	214922		69,21
13.13	Акциядорлик жамияти бошқарув органларининг ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлиги ТАРТИБИ	2934484		1092000	214922		69,21
13.14	Акциядорлик жамияти Мансабдор шахсларининг малакасини ошириш ТАРТИБИ	2934484		1092000	214922		69,21
13.15.	Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва ижроия аъзоларига ҳақ тўлаш Тартиби	2934484		1092000	214922		69,21
13.16	Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига доир талаблар тўғрисидаги Низом	2934484		1092000	214922		69,21
13.17	Акциядорларнинг жамиятининг акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби	2934484		1092000	214922		69,21
13.18	Акциядорлик жамиятида Ижроия органи раҳбарини танлаш ТАРТИБИ	2934484		1092000	214922		69,21
13.19	Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш ТАРТИБИ	2934484		1092000	214922		69,21
13.20	Акциядорлик жамияти вакилларининг, устав фондида у иштирок этаётган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида овоз бериш ТАРТИБИ	2934484		1092000	214922		69,21
13.21	Ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги Йўриқнома	2934484		1092000	214922		69,21
13.22	Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.	2934484		1092000	214922		69,21
14	Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.	2934484		1092000	214922		69,21

Кун тартибида кўриб ўтилган масалалар юзасидан,

### ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ:

1. «Чилонзор буюм савдо комплекси» АЖнинг 2016 йил учун қабул қилинган бизнес режасининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.



3. Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан аудит-торлик ташкилотининг миллий ва халқаро стандартлар хулосаси тасдиқлансин.
4. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.
5. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.
6. Жамият Кузатув Кенгашининг 2016 йилда корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши ҳақидаги ҳисоботи ва қабул қилган қарорлари тасдиқлансин.
7. Жамиятнинг 2016 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш тартиби қўйидагича тасдиқлансин:  
2016 йил якуни бўйича олинган 5.951.780.300 сум соф фойдадан 5.936.078.100 суми курилиш харажатлари эканлигини инобатга олинса ва соф фойдадан камида 5% захирага ажратишни яъни 297,5 млн сумни ҳамда қолган 15.702.200 сум жамиятнинг захира жамғармасига йуналтирилсин. Курилиш харажатлари сифатида курсатилган 5.935.780.600 сум миқдордаги маблаг кейинчалик акциядорлар уртасида капитализация йули билан жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш ҳисобига оширишга йуналтирилиши белгилаб қўйилсин.
8. Жамиятнинг 2017 йилги бизнес режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

**8.1.** Жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасига зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш ваколати жамият Кузатув Кенгашига берилсин.

**9.** Жамият ижроия органи бошқаруви раиси лавозимига Миртаджиев Дилмурод Хикматович, жамият ижроия органи бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари лавозимига Зарипов Абдувоҳид Кадиновичлар бир йил муддатга сайлансин.

**10.** Жамият Кузатув Кенгаши таркиби кумулятив овоз бериш йўли билан қўйидагича сайлансин:

Каримов Баҳром- Чилонзор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари; 4087992

Ҳакимов Рауф Арипович- Ўзбекистон Республикаси «Пазандалар уюшмаси» раиси ўринбосари; 4087992

Мухитдинов Азиз Акбарович- «Ипотека-банк» АТИБ қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи; 4552014

Ҳайдаров Бахтиёр Тўлқунович- Тошкент шаҳар Савдо департаменти бошлиғининг ўринбосари; 4087992

Ғазиев Улуғбек Муллахонович - «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ қимматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи;

Камалов Толмас Каримович- «Тошбозорсавдо» уюшмаси қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи; 4087992

Ахмедов Сайфулла Норматович- Тошкент шаҳар Касаба қўмитаси раиси. 4087992.

**11.** Жамиятнинг 2016 йил фаолияти учун Тафтиш комиссияси таркибига қўйидагилар сайлансин:

Исмаев Равшан Баҳадирович-Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки фазначилик бошқармаси Нарх сиёсати ва пул бозори операциялари бўлими бош мутахассиси;

Абдуллаева Гулчехра Эркиновна - «Тошбозорсавдо» уюшмаси бош бухгалтери;

Ҳикматова Зиёда Закирхановна - «Ипак Йўли» ОАИТБ қимматли қоғозлар бўлими мутахассиси;

**12.** Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин.

**13.** Жамиятнинг ички ҳужжатлари қўйидагича тасдиқлансин;

-Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);

- Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);

- Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);

- Ижроия органи тўғрисидаги низом (янги таҳрирда);

-Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом(янги таҳрирда);

-Ички назорат тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);


-Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);

- Манфаатлар туқнашуви тўғрисида Низом (янги таҳрирда);
- Акциядорлик жамиятининг корпоратив маслаҳатчиси тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда);
- Жамиятнинг йирик битимларни тузиш Тартиби
- Аффилиланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш Тартиби
- Йил якунлари бўйича аудиторни танлаш бўйича низомлар Тўплами
- Акциядорлик жамияти бошқарув органларининг ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлиги ТАРТИБИ
- Акциядорлик жамияти Мансабдор шахсларининг малакасини ошириш ТАРТИБИ
- Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва ижроия аъзоларига ҳақ тўлаш Тартиби
- Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва назорат органлари ҳисобот-ларига доир талаблар тўғрисидаги Низом
- Акциядорларнинг жамиятининг акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби
- Акциядорлик жамиятида Ижроия органи раҳбарини танлаш ТАРТИБИ
- Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш ТАРТИБИ
- Акциядорлик жамияти вакилларининг, устав фондида у иштирок этаётган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида овоз бериш ТАРТИБИ
- Ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги Йўриқнома
- Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасин;

**14.** Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави тасдиқлансин.

**Йиғилиш раиси**

**Йиғилиш котиби**



**С.Н.Ахмедов**

**З.Байметов**